

2-1-2020

TAXATION RELEVANCE OF INDIVIDUALS' INCOME BY MEANS OF PUBLIC DECLARATION

M. Usmonova

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Usmonova, M. (2020) "TAXATION RELEVANCE OF INDIVIDUALS' INCOME BY MEANS OF PUBLIC DECLARATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

М.С. Усманова – ТМИ доценти, и.ф.н.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ УМУМДЕКЛАРАЦИЯ УСУЛИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тамойиллари амал қилаётган барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини умумдекларациялаш амалиёти кенг қўлланилади. Мазкур мақолада ушбу давлатлар тажрибасини тадқиқ этиб, республикамизда ҳам жисмоний шахслар даромадларини умумдекларациялаш усулида солиққа тортишнинг долзарб эканлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: умумдекларация, солиққа тортиш, аҳоли даромадлари, даромад солиғи, жисмоний шахслар даромадлари, солиқ тизими, декларация, умумдекларациялаш тизими, шахсий даромад, жисмоний шахслар.

АКТУАЛЬНОСТЬ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ МЕТОДОМ ВСЕОБЩЕГО ДЕКЛАРИРОВАНИЯ

Во всех экономически развитых странах, где применяются принципы рыночной экономики и свобода предпринимательства, гражданами широко используются всеобщее декларирование своих доходов. В этой статье рассматривается опыт этих стран и подчеркивается актуальность налогообложения доходов физических лиц путем всеобщего декларирования в нашей республике.

Ключевые слова: всеобщее декларирование, налогообложение, доходы населения, подоходный налог, доходы физических лиц, налоговая система, декларация, система всеобщего декларирования, личные доходы, физические лица.

TAXATION RELEVANCE OF INDIVIDUALS' INCOME BY MEANS OF PUBLIC DECLARATION

The citizens of all economically developed countries, where the principles of market economy and freedom of entrepreneurship are widely applied, use universal declaration of their income. This article examines the experience of these countries and emphasizes the relevance of personal income taxation using universal declaration in our republic.

Keywords: universal declaration, taxation, population income, income tax, income of individuals, tax system, declaration, universal declaration system, personal income, individuals.

Кириш

Мамлакатимиз мустақил ривожланиш йўлида ўзининг тараққиёт йўналишини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида бошқариш тизимини танлади. Бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилаётган даврда асосан солиққа тортиш амалиёти ҳам тараққий этган давлатларнинг ижобий тажрибаларини жорий этган ҳолда такомиллаштирилиб келинмоқда. Ҳозирги шароитда республикамизда амалга

оширилаётган солиқ ислохотларига мос равишда жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида “Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур” [1] эканлигини таъкидлаганлари бежиз эмас.

Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тамойиллари амал қилаётган барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини умумдекларациялаш амалиёти кенг қўлланилади.

Ушбу давлатлар тажрибасини тадқиқ этиш ва республикаимиздаги жисмоний шахслар даромадларини декларациялашнинг амалдаги тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жисмоний шахсларнинг даромадларини тўлиқ ҳисобини юритиш ва ижтимоий аҳамиятга эга солиқ чегирмаларини қўллашда даромадларни декларациялаш усули юқори самара беради. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва даромад топишга эркинлик яратиш билан биргаликда ушбу даромадларнинг қонунийлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда декларациялаш тизими орқали фуқаролар даромадларининг ҳисобга олиниши ва адолатли солиққа тортилиши таъминланади. Бизнинг мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни умумдекларациялаш тизимини тадқиқ этиш ҳамда ушбу тизимга босқичма – босқич ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Республикаимизда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур мақолада республикаимизда жисмоний шахслар даромадларини умумдекларация усулида солиққа тортишнинг долзарблиги асослаб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда жумладан, даромад солиғи тўғрисида кўплаб олим ва иқтисодчилар ўзларининг илмий қарашларида фикрларини баён этганлар. О.Абдурахманов жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар моҳиятини очишда унга қуйидагича таъриф берган: жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бу фуқароларнинг ҳар қандай қонуний фаолияти манбалари асосида оладиган шахсий даромадларидан давлат фойдасига ўтказадиган эквивалентсиз мажбурий тўловларидир [2]. Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи билан бирга бошқа солиқларни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш ва қисман жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тизими тадқиқ этган, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими самарадорлигини оширишга оид илмий таклифлар ишлаб чиққан.

А.Адизов жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга умумлаштирилган ҳолда қуйидагича, “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар-давлат ва жамият томонидан мажбурият сифатида кўрсатиладиган хизматлар ҳақи бўлиб, уларни маблағ билан таъминлаш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажм ва ўрнатилган муддатларда давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириладиган тўловдир” деб таъриф берган [3].

Даромадларни солиққа тортишнинг илмий-назарий концепциялари шаклланишида маржиналистларнинг (К.Менгер, Ф.Визер, И.Тюнен, А.Курно ва бошқалар) роли ҳам катта бўлган. Маржинализм мактаби вакиллари иқтисодий жараёнларни тадқиқ этишда нархлар шаклланиши масалаларидан ташқари солиққа тортиш муаммоларини ҳам ўрганишган. Хусусан, уларнинг даромадларни солиққа тортиш масалалари юзасидан олиб борган илмий изланишлари натижасида даромадлар прогрессив механизмда солиққа тортилиши ва бунда солиққа тортилмайдиган минимал даромад миқдори белгиланиши лозимлиги асослаб берилган [4].

И.Юлдашевнинг «Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида эса, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини республикамиз амалиётида жорий этиш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган [5].

Таҳлил ва натижалар


Республикада жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизимининг жорий этилиши, фуқароларнинг даромадларини ошкоралаштириш имкониятини белгилайди, яширин иқтисодиёт йўлига ғов бўлиб хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулайроқ шароитларни яратишга кўмаклашади. Фуқаролар жами йиллик даромадларини декларациялаш тизимининг жорий этилиши бозор муносабатларини шакллантиришнинг объектив ва зарур шarti ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

- тўлов манбаидан ушлаб қолиш;
- декларация асосида солиққа тортиш.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари, яъни солиқ агентлари зиммасига юклатилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини пасайтирилиши, шунингдек айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун соддалаштирилган тизимда қўлланиладиган ягона солиқ тўловидан имтиёзлар берилиши уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, бундан кутилаётган мақсад субъектлар фаолиятини ривожланиши, солиққа тортиладиган базани кенгайтириши натижасида бюджет даромадлари

барқарорлигини таъминлашдир ва бюджет орқали молиялаштириладиган соҳаларни ривожлантириш ҳисобланади .




1-расм. Даромад солиғи ставкаларининг йиллар бўйича таҳлили [6]

Юқоридаги 1-расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 1991 йил жорий этилган бўлиб, то 2015 йилгача биз Европа андозаси асосида ставкаларни жорий этдик, лекин бизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволимиз бунга тайёр эмаслиги туфайли тўрт поғонали солиқ солиш тизими йўлига ўта бошладик, чунки биз фуқаролар орасида тенгсизлик ва табақаланишни олдини олиш мақсадида 2001 йилдан то 2006 йилгача 2-3-поғонадаги ставкаларни 18 ва 25 фоизгача туширилди, кейин 2008-йилдан то 2014-йилгача бу ставкалар кўрсаткичи 16 ва 22 фоизгача туширилди, қуйи ставка эса 7.5 фоизгача туширилди. 2015-йилга келиб мамлакатимизнинг ижтимоий қатламини яхшилаш мақсадида аҳоли даромадининг 1 баробари миқдори даромад солиғидан озод этилди. Ушбу солиқнинг энг юқори ставкаси 2018-йил 22.5%, ваҳоланки 1998-йил ушбу солиқнинг энг юқори ставкаси 45% яни икки баробар юқори қилиб белгиланган эди. Ҳозирги кунда жисмоний шахслар даромадини ошириш мақсадида ушбу солиқ ягона 12 фоиз этиб белгиланди. “Жисмоний шахслар даромадига солиқ бўйича ягона ставканинг жорий этилиши даромадларни тўлиқ қамраб олиб, даромадлар самарадорлигини таъминлаши мумкин.” [7]

Таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари чуқурлашиб борган сари аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромадлар улуши ортиб боради. Шу боисдан, жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан ташқарида ишлаб топган даромадлари динамикасини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда даромадлари бўйича декларация тақдим этувчи жисмоний шахслар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, бу қуйидаги 2-расм маълумотларида ўз аксини топган.



2-расм. 2007-2018 йиллар давомида декларация тақдим этган жисмоний шахслар сони. (минг нафар) [8]

Юқоридаги 2-расм маълумотига асосан, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 489,6 минг нафар жисмоний шахслардан декларация қабул қилиниб, уларнинг сони 2007 йилга нисбатан 395,6 минг нафарга ёки 5,2 баробарга, 2013 йилга нисбатан 227,3 минг нафарга ёки 186,7 фоизга кўпайган. Бироқ ушбу кўрсаткичларни ўсиш тенденциси 2017-йилга қадар содир бўлиб 2018-йилдан камая бошлади яъни, декларация тақдим этган жисмоний шахслар сони 2017 йилда 2013 йилга нисбатан 262,8 минг нафарга яъни 2 баробарга кўпайган. 2018-йилда эса, 2017-йилга нисбатан 35.5 нафарга ёки 107 фоизга камайган. Республикамизда 2013 – 2017 йиллар давомида декларация тақдим этган жисмоний шахслар сони кўпайишига сабаб аҳолининг даромад олиш манбалари кўпаяётгани, шу билан биргаликда даромадларининг ортишидир.

Мамлакатимизда декларация тақдим этган жисмоний шахслар сони ва декларация бўйича қўшимча ҳисобланган даромад солиғи суммаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида декларация топширган жисмоний шахслар тўғрисида маълумотлар. [9]

Т/Р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2014	2015	2016	2017	2018
1	Декларация тақдим этган фуқаролар сони (минг киши)	304,9	358,0	492,6	525,1	489,6
2	Жами қўшимча ҳисобланган солиқ, (млрд сўм)	33,1	61,8	81,0	105,2	133,5

3	Қўшимча ҳисобланган солиқларнинг ундирилиши (фоизда)	100	100	100	100	100
---	--	-----	-----	-----	-----	-----

Юқоридаги 1-жадвал 2014-2018 йиллар маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилда жами бўлиб 304,9 минг фуқаро, 2018 йилда эса 489,6 минг фуқаро асосий иш жойидан ташқарида олган даромадлари ҳақида декларациялар тақдим этганлар. Шуниси эътиборлики, таҳлил этилаётган давр мобайнида декларация бўйича даромадларини кечиктириб топширилиши мавжудлиги, жами йиллик даромадларни декларациялаш тизими амалиётида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар борлигини тасдиқлайди.

2014-2018 йилларда декларациялаш натижасида 414.6 млрд сўм қўшимча солиқ ҳисобланган.

Умумдекларациялаш тизимини тадбиқ этиш, амалдаги баъзи бир қонунларни ўзгартиришни талаб этади. Масалан, фуқаролар мулкани баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибини. Бу шуни англатадики, умумдекларациялаш тизими жорий этилгач, фуқаролар қимматбаҳо харидлари ва уй-жой ёки нотузаржой қурилишларга қилган харажатлари устидан назоратни амалга ошириш талаб этилади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг тўлақонлигини назорат қилиш, фақатгина улар амалга оширган харажатларни декларацияда кўрсатилган даромадларга мос келишини текшириш орқали юзага келиши мумкин. Шу муносабат билан, жисмоний шахслар декларацияларида кўрсатилган даромадларини тўлиқ аниқлаш учун жисмоний шахсларнинг алоҳида харажатларини улар даромадларига мос келишини назорат қилиш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таклиф қилинаётган механизмга кўра жисмоний шахслар мулк сотиб олиши, божхона чегараси орқали товарлар олиб кириши ёки олиб чиқиши, банкларда, суғурта ва кредит ташкилотларида пул операцияларини амалга ошириши бўйича йирик харажатлари тўғрисидаги маълумотлар тегишли муассаса ва ташкилотлардан келиб туришини йўлга қўйиш талаб қилинади. Декларацияда кўрсатилган маълумотлар жисмоний шахсларнинг ҳақиқий даромадлари тўғрисидаги маълумотлар, яъни банклардан, сотувчилардан, савдо агентларидан, давлат муассасаларидан ва битимларни рўйхатга олувчи ўзга ташкилотлар солиқ идораларига тақдим этган маълумотлар билан солиштириб кўрилиши лозим.

Агарда сарф-харажатлар миқдори жисмоний шахснинг декларацияда кўрсатган даромадлари миқдоридан ошиб кетса ёки солиқ органида жисмоний шахснинг даромадлари тўғрисида маълумот бўлмаса, у ҳолда солиқ органи жисмоний шахсга сарф-харажатларни амалга оширишга кетган даромадларни декларациялашни сўраб, ёзма талабнома юборади. Жисмоний шахслар, шунингдек чет эллик фуқаролар солиқ идорасининг ёзма талабига кўра, йирик сарф-харажатларини амалга оширишга кетган даромадларининг миқдори ва

манбаларини ёзма баён этиб, маълумот тақдим этишлари зарур бўлади. Бизнингча, аҳолини қимматбаҳо харидлар қилиш, банк, кредит ва молиявий ташкилотлар хизматидан фойдаланишларига салбий таъсир кўрсатмаслик мақсадида, жисмоний шахсларнинг йирик харажатлари миқдорини базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 (минг) баравари миқдорида белгилаб қўйиш талаб этилади.

Хорижий манбалардан бирида куйидагилар эътиборга моликдир:

“...Биз моделимизнинг солиқ ҳисоботини соддалаштирилган солиқ тўловчиларга аниқ солиқ тўлови тўғрисидаги декларациялари бўйича аниқлаш ва аудит ўтказиш учун потенциал солиқ тўловчилар сонини камайтириш қобилиятини намоиш этамиз. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, бизнинг моделимиз декларацияни шубҳали деб баҳоламайди ва илгари аниқланмаган солиқ декларацияларини шубҳали деб белгилайди, солиқ текшируви жараёнида операцион самарадорликни ошириш, тарихий этикетли маълумотларга мухтож эмасмиз..” [10]

Тараққий этган давлатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак жумладан, бизга солиқ тизимининг нисбатан ўхшашлиги билан эътироф этиладиган Германия давлатида ҳам декларациялаш тизими ўзига хос йўналишларига эгадир. Немис солиқ тизими дунёдаги энг мураккаб тизимлардан ҳисобланади. Унга юқори даражали марказлашув ва федерал марказ билан федерацияга қарашли ерлар ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши ўзига хосдир. Солиқ солишда ҳам, ижтимоий имтиёзлар соҳасида ҳам қўлланиладиган фуқаролар жами даромадларини декларация тизими энг яхши ишларидан саналади. Немис тажрибасини ўрганиш республикамизда фуқаролар даромадларини декларациялаш тизимини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Германияда жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тизими иккинчи жаҳон урушидан аввал амал қила бошлаган ва узоқ тарихга эга. Германияда даромад солиғини ушлаб қолишда ва жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этишда фуқаронинг оила таркиби асосий рол ўйнайди. У ҳақдаги маълумотлар солиқ тўловчи карточкасида қайд этилиб, уни фуқаронинг яшаш жойидаги жамоа (ўз-ўзини бошқариш органи) янги йил бошланишидан олдин ҳужжатлар асосида (масалан, аҳоли карточкаси бўйича) беради. Солиқ карточкасида фуқаронинг оилавий аҳволидан ташқари унга бериладиган ижтимоий чегирмалар, 18 ёшгача бўлган болалар учун солиқ солинмайдиган минимумлар сони, диний эътиқоди тўғрисидаги маълумотлар ҳам қайд этилади. Бошқа ижтимоий чегирмалар мавжуд бўлганида (масалан, 18 ёшдан катта болаларнинг ўқиши) уларни солиқ тўловчи карточкасига корхонанинг илтимосига кўра солиқ органи киритади. Жамоа томонидан берилган солиқ тўловчи-жисмоний шахс карточкаси унинг даромадларини ҳисобга олиш учун жорий этилган. Ушбу карточкасиз ишга киришнинг иложи йўқ. Иш берувчи ҳисобланган иш ҳақи ва унга ҳисобланган даромад солиғи ҳақидаги маълумотларни карточкага киритиш лозим. Йил охирида декларация топшириш чоғида солиқ тўловчи уни ўз солиқ инспекциясига тақдим этиши

шарт. Даромад солиғи биздаги сингари корхона томонидан тўлов манбаидан ушланади ва бюджетга ўтказилади. Ходимларининг даромад солиғи суммаси ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаб ўтказилгани учун иш берувчи жавобгар бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда ҳам жисмоний шахслар жами даромадини умумдекларациялаш тизимини жорий этишга босқичма-босқич ўтиш чоғида тўғри йўл танлаш имконини беради.

Хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган декларациялаш тизимининг асосий шарти, бир томондан, ўз даромадлари ва уларнинг манбалари тўғрисида одамларнинг ўзлари ихтиёрий равишда маълумот беришларидир. Иккинчи томондан, декларация, мол-мулк харид қилишга сарфланган пул маблағларининг манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик учун, ўз даромадларини атайин камайтириб кўрсатганлиги ёки уларни яширганлиги учун иқтисодий жазо ва жарималарнинг қонун йўли билан мустаҳкамланган, хатто, жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган кучли тизими мавжуддир. Фуқароларнинг даромадларини умумдекларациялаш, яширин иқтисодиётга пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодий соҳадаги бошқа жиноятларга қарши курашда таъсирчан воситалардан бири ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда хорижий мамлакатлардан АҚШ, Япония, Россия, Хитой, Сингапур, Исроилда жисмоний шахсларни жами йиллик даромадларини солиққа тортишни ўзига хос хусусиятлари

2-жадвал

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларни жами йиллик даромадларини солиққа тортишни ўзига хос хусусиятлари [11]

Мамлакатлар	Ўзига хос хусусиятлари
Россия	Солиқ ставкаси – 13% (1 поғонали)
	Фарзандлар сони инобатга олинади(1400+1400+3000)
	Мол-мулк чегирмаси (3 йил ўз номида бўлган)
Япония	Солиқ ставкаси – прогрессив (5%-40%), (6-поғонали)
	Ҳар бир фуқаро учун шаҳар статуси бўйича мажбурий солиқ.(3200 йен)
	Чегириладиган минимум мавжуд ҳамда персонал чегирма мавжуд.
	Префектура ва Муниципиал солиқ мавжуд.(10%)
АҚШ	Солиқ ставкаси прогрессив (10%-35%), (4-поғонали)
	Фарзандлар сони инобатга олинади
	Тиббий харажатлар учун чегирма (Даромаддан 7,5 % гача)
	Оилавий аҳволи инобатга олинади.
Хитой	Солиқ ставкаси прогрессив (5%-45%), (9-поғонали)
	Чегириладиган минимум мавжуд (1600-3200 юан)
	Юқори даромад олувчилар Декларация тўлдиришга мажбур. (120.000 юандан юқори)
Сингапур	Солиқ ставкаси прогрессив (2%-20%), (8-поғонали)
	Чегириладиган минимум мавжуд. (20.000 ШБ)
	Декларация тақдим этиш муддати 15-апрелгача.
Исроил	Солиқ ставкаси прогрессив (10%-50%), (5-поғонали)

Ноу-хау учун 45%, мол-мулкни сотишдан даромад 35% ставка белгиланган.
Мулк ва даромад солиғи бюджетнинг 50% ини ташкил этади.

Юқоридаги 3-жадвалдан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Исроилдаги солиқ ставкаларининг юқорилиги ва бюджетдаги улуши ҳам баландлиги, АҚШда чегириладиган тиббий харажатлар мавжудлиги, Россияда фарзанд учун чегирмалар мавжудлиги эътиборга моликдир.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагиларни ўрганган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда солиқ қонунчилиги яхши йўлга қўйилган ва йилдан йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Шунга қарамай чет эл мамлакатлари солиқ тизимини оптимал вариантларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашда таъсирчан воситалардан бири ҳисобланади

Республикамизда амалга оширилаётган солиқ ислохотларига мос равишда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўрт поғонали ҳисоблаш услубиятидан пропорционал ҳисоблаш услубиятига ўтказилиши билан бир қаторда, даромад солиқнинг ставкаси ҳам минимал даражада яъни 2019 йилдан 12 % қилиб белгиланди. Солиқ тўловчилар томонидан амалдаги декларация бўйича маълумотлар тақдим этиш ва даромадларни тасдиқлаш жараёни уч қисмдан иборатдир:

1. Жисмоний шахслар томонидан даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг шахсан тақдим этилиши;
2. Солиқ органларига юридик шахслар ва бошқа ҳудудлардаги солиқ органларидан келиб тушадиган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиниши;
3. Тадбиркор фаолиятига оид бўлган бошланғич ҳужжатларнинг текширилиши.

Умуман олганда, жисмоний шахсларнинг даромадларини умумдекларациялаш тизими қўйидаги тамойиллар асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлов манбаида ушлаб қолиш тизимини янада такомиллаштириш, бунда даромадларни умумдекларациялашнинг муҳим жиҳатларидан фойдаланиш зарур бўлади.
2. Ялпи декларацияни тақдим этувчи жисмоний шахсларнинг таркибини белгилашда аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозим.
3. Жисмоний шахслар тасарруфида бўлган мол-мулкларни декларациялаш орқали инвентаризациядан ўтказиш.
4. Жисмоний шахсларнинг даромадларини умумдекларациялаш тизими тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Декларация асосида солиқ ундириш солиқ тўловчи томонидан кўрсатилган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғрилигини, солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш

жараёнини назорат қилинишни назарда тутати. Бунда назорат декларациялашга оид шакллантирилган маълумотларни қиёсий таққослаш орқали амалга оширилади. Солиқ органларига тақдим этиладиган маълумотларнинг асосий манбаси бўлиб солиқ тўловчининг бошланғич ҳужжатлари ҳисобланади.

Хозирги шароитда молиявий фондларни шакллантириш жараёни тубдан ўзгарди ва бу ҳолат жисмоний шахслар оладиган жами даромадлар таркибига таъсир кўрсатиб, улардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаш услубиятини либераллаштиришни, яъни солиқ суммасини ялпи декларациялаш орқали бюджетга жалб қилиш самарали жараён эканлигини исботламоқда. Шу мақсадда жисмоний шахсларнинг жами даромадларини солиққа тортишда солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва мақбуллаштириш, шунингдек солиқ тўловчи жисмоний шахслар ўртасида солиқ юқини адолатли ва тенг тақсимланишини таъминлаш, солиқни ундиришда тўловчи ва ундирувчи ўртасидаги муносабатларни демократик тамойиллар асосида ташкил қилиш лозим бўлади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларини умумдекларация асосида солиққа тортишда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар мажмуасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, юқори даромад олувчи тадбиркорларнинг даромадларини легаллаштириш мақсадида, уларга маълум даражада пасайтирилган регрессив солиқ ставкани қўллаган ҳолда декларациялаш асосида солиққа тортиш тартибини жорий қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Жаҳон амалиётида, масалан Россия Федерациясида “илғор” тадбиркорлар учун кенг қўлланилиб келаётган жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан топилаётган даромадларини умумдекларациялаш тизими орқали солиққа тортишда давлат томонидан “ўзгартирилган”, “қайта ҳисобланган” даромад базаси асосидаги “максимал даромадни легаллаштириш”дан кўрқмаслик ҳиссини шакллантириш зарур. Бунда прогрессив шкала асосидаги солиққа тортиш режими аниқ, лекин маълум даражага пасайтирилган ставкаларни қўллаш тадбири билан алмашилиши натижасида фаолликни янада рағбатлантиради.

Иккинчидан, жисмоний шахсларни декларация асосида солиққа тортишда миллий менталитетни инобатга олиш, яъни мерос қолган мол-мулк қийматини, кўп фарзандлилиқни ҳисобга олган ҳолда солиқ минимумларини жорий этиш, яъни:

- фуқароларимизда ота-бобосидан қолган бойлик, маблағ, мерос ва мол-мулкни ишлатишдан олинган даромадлар жисмоний шахслар жами даромадларини умумдекларациялаш вақтида бутунлай, маълум муддатга солиқ базасидан чиқарилиши (солиқдан тўлиқ озод қилиниши) ёки турли чегирмалар берилиши (солиқдан қисман озод қилиниши) лозим. Мазкур тадбир орқали аҳоли даромадларини легаллаштириш, уларнинг юксак ишонч билан ташаббускорона фаоллигини оширишга эришилади;

- аҳоли даромадини солиққа тортишда “ўзбекона кўпболаллилиқ” хусусиятлари ҳам, албатта эътиборга олиниши лозим. Масалан, молиявий кўрсаткичлар таҳлил қилинганда, асосан, Европа мамлакатларига

солиштирилади. Жумладан, жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ҳам. Маълумки, аксарият Европа мамлакатларида ҳар бир оилада нари борса 1 та ёки 2 та фарзанд тарбияланади. Бизда эса, ҳар бир оилага тўғри келадиган аъзолар камида 6 кишига тўғри келади. Бундай шароитда, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган оила бюджети салмоғини солиштириб кўриш алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, аксарият ўзбек оилаларида оналар фақат уй бекаси эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Учинчидан, жисмоний шахслар даромадларини ялпи декларация усулида солиққа тортиш юзасидан иқтисодиёти тараққий этган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиз солиқ тизимига ижодий қўллаш лозим.

Тўртинчидан, солиқ тўловчиларни ялпи декларациялаш тизимининг ижобий томонларини акс эттирган услубий қўлланмалар билан таъминлаш, уларга ушбу услубият самарали эканлигини аниқлашчи реклама роликларини кўпайтириш зарур.

Бешинчидан, солиқ тўловчилар учун декларация топшириш жараёнини соддалаштириш ва маълумотлар базасини электрон почта орқали қабул қилишни оммалаштириш керак.

Жисмоний шахсларга нисбатан маҳаллий солиқларни ҳисоблаш мобайнида ҳам маълум муаммолар мавжуд. Масалан, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни солиққа тортишда коммунал идораларнинг кадастр қиймати асос қилиб олинади. Лекин фуқаролар ўз уйлари сотишда бозор нархи билан идоравий нарх ўртасида фарқ анча. Шунинг учун мол-мулк солиғи объектининг қийматини ҳисоблашда унинг бозор баҳосидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозирги ТИБ(техник инвентаризация бюроси) идоралари фуқароларнинг мол-мулклари (уй-жойлари) қийматини кадастр қиймат бўйича баҳолайдилар, аммо фуқаролар мол-мулкларининг олди-сотди битимлари бозор баҳоларида амалга оширилмоқда. Солиқ тўлашга келганда улар олди-сотди ҳужжатларининг кадастр қиймати бўйича расмийлаштирилмоқдалар. Шунинг учун мол-мулкни солиққа тортишда уни бозорбаҳосида баҳолаб ставкаларга тузатувчи коэффицентларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг фикримизча, Давлат солиқ органларида, яъни ДСИ, ДСБ ва ДСҚларда ягона ахборот тизимини жорий қилиш керак, чунки маҳаллий солиқларни ҳисоблаш жараёнида жисмоний шахс солиқ тўловчилар ҳақида маълумот, яъни солиқ тўловчилар бир кун камайиши иккинчи кун кўпайиши мумкин, шу жумладан имтиёзларга тегишли ҳужжатларнинг ҳам турли муддатларда топширилиши, мисол учун, ногиронлик тўғрисида маълумотлар солиқ идоралари томонидан солиқлар тахминий ҳисобланиб ҳисоби вилоят солиқ идораларига тақдим этилиши натижасида кутилган солиқ тушумининг бажарилишига кескин таъсирини кўрсатапти. Шунинг учун солиқ тўловчи бугун тугатилдими ёки имтиёзга эга бўлиб солиқ тўлашдан озод этилди, ДСИ томонидан ДСҚ га маълумот бериши лозим ва шу маълумотларга асосан эртанги кунги келажакдаги солиқ тушумлари режаси (прогнози) ни белгилайди.

Ҳар бир маҳаллий ҳудуд ўз маҳаллий бюджетини ўзидаги мавжуд маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эвазига тўлиқ шакллантира олса, бу ҳудуд иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан бошқа ҳудудларга нисбатан анча тез ривожланади. Бунинг учун эса бюджет даромадларининг асоси бўлмиш маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг объектлари ўз вақтида солиқ хизмати идоралари ходимлари томонидан ҳисобга олинishi улар ҳисоби ташкил қилиниши, солиқлар муддатида ҳисобланиб, солиқ тўловчиларга тўлов хабарномалари кечиктирмай етказилиши ҳамда улар томонидан солиқлар ўз вақтида ундирилишини назорат қилиб туриш керак. Лекин ҳозирги кунда жисмоний шахслар тўлайдиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар объектларини аниқлаш уларнинг ҳисобини юритиш, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш жараёнида бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифни тавсия этишни лозим топдик:

-жисмоний шахслар тўлайдиган маҳаллий солиқлар тўғрисида муайян (махсус) декларациялаш тизимини қонуний асосда жорий этиш. Чунки маҳаллий ҳудудлардаги солиқ тўловчилар ўз эгалигидаги мол-мулки ҳамда ери тўғрисида маълумотни декларацияда акс эттирилса, солиқ тўловчининг онгида мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаши мажбурияти юзага келиб,солиқлар ўз вақтида ундирилиши таъминланар эди.

Яна бир долзарб муаммолардан бирини айтиб ўтмоқчимизки, юридик шахсни ташкил этмасдан якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни даромадини солиққа тортишда қатъий ставка қўлланмасидан ҳақиқий олган соф даромаддан солиққа тортиш, яъни адолатлилик принципига таяниш лозим. Бозор иқтисоди ривожланган мамлакатлар солиқ қонунчилигида даромад солиғини ҳисоблаш учун прогрессив солиқ ставкаларини белгилайди. Улар солиқ солинадиган объектга нисбатан фоизларда ифодаланган солиқ улушидан иборат бўлиб, бу улуш солиқ тўловчининг даромади хажмининг кўринишига қараб кўпаяди. Бу ставкалар солиқ ҳуқуқининг энг муҳим қоидаларидан бири - адолатли солиқ солиш принципини энг тўлиқ ҳолда ифодалайди, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг янги тизимини жорий этиш қанчалик қийин кечмасин, бу йўл тўғри танланганлиги ҳаётда ўз исботини топмоқда, чунки у давлат даромадини шакллантириш нуқтаи-назаридан, илгариги солиққа тортиш услубиятига нисбатан анча самарали ва ижтимоий жиҳатдан адолатли бўлиши муқаррардир.

Юқоридагилардан аён бўладики, даромадларни умумдекларациялашнинг тамойиллари унчалик ҳам мураккаб тизимни жорий этишни талаб этмайди. Лекин шу билан бир вақтда мамлакатимиз халқларининг шаклланган анъаналари ўзига хос жиҳатлари, ушбу тизимни жорий этишда зарур бўладиган маъмурий-ташкилий тадбирлар, бу масалага ўзига хос мезонларни киритибгина жорий этиш мумкинлигини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси// Халқ сўзи газетаси 2018 йил 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230) 3-бет.
2. Абдурахмонов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари./ Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2005. Б. - 52-53.
3. Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш./ Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 2004. Б. - 25.
4. Акинин П.В. и др. Налоги и налоогообложение: Учеб. пособие. – М.: Эксмо, 2008. – С.23.
5. Юлдашев И.С. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари / и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2002.– 22 б.
6. ДСК маълумотлари. <http://www.soliq.uz>(O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi rasmiy sayti).
7. Soren Blomquist, Laurent Simula. Marginal deadweight loss when the income tax is nonlinear. Journal of Econometrics, <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0304407618302343>.
8. ДСК маълумотлари. <http://www.soliq.uz>(O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi rasmiy sayti).
9. ДСК маълумотлари. <http://www.soliq.uz>(O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi rasmiy sayti).
10. Tax fraud detection for under-reporting declarations using an unsupervised machine learning approach <https://www.scopus.com/record/display.uriid=2-s2.0-85051492335>.
11. <http://www.uzbek-ninja.com>